

ЖАМИЯТДА УМУМИНСОНИЙ ВА МИЛЛИЙ ИДЕАЛНИНГ УЙҒУНЛИГИ

Сатторова Д.Ғ. –
ТДТУ доценти, ф.ф.н.

Миллий идеал – ўзида жамиятнинг умуммиллий жамоавий ибтидосига хизмат қилувчи меъерий-ахлоқий қадриятлар тўпламини мужассам қилувчи ижтимоий-ғоявий категория. У миллатнинг яратувчанлик йўналишида асосий ғоявий хоҳиш-истаги сифатида намоён бўлади. Миллий идеал жамиятни демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнида миллий ривожланишнинг меъерий ва аксиологик йўналишларини, миллий давлатчиликнинг яратувчанлик стратегияси мукамал томонларини ва алоқадорлик жиҳатларини қамраб олиши билан алоҳида ажралиб туради. Миллий идеал ўзида “кучли давлат” нинг ижтимоий –сиёсий шаклини ҳам ифода этади. Шу сабабли талабаларимиз бунга эътибор қаратишлари зарур .

Бугунги жамиятимиз тараққиёти умуминсоний ва миллий идеал уйғунлигини шакллантиришни тақозо этмоқда. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос жиҳати унинг одоб-ахлоқи ифодаланган маънавий қадриятларида қарор топган. Жамият ахлоқининг илдизи миллат тарихи билан узвий боғлиқ ҳодиса. Инсон ёшлиқдан азалий анъаналар, урф-одатлар оғушида камолга етади. Бунда оила, маҳалла ва таълим-тарбия даргоҳларида, жамият муҳитидаги уйғунлик ва изчиллик катта ўрин тутади. демократик қадриятларнинг таркиб топиб бориши шароитида одамларнинг маънавий-ахлоқий онгини умумийлик тамойили асосида шакллантириб бориш зарурат ҳисобланади. Акс ҳолда жамият маънавий-ахлоқий муҳитидаги бошқа ижтимоий онг даражалари сусайиб кетади. Бунга сабаб демократик қадриятларнинг инсонга том маънодаги эркинлик беришидир. Бундай эркинликдан мақсадли фойдаланилса у ижтимоий онгнинг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади. Агар эркинлик омилидан мақсадсиз фойдаланилса ижтимоий онг ривожига салбий таъсир кўрсатади.

Миллий идеал куртакларини биз тарихий босқичларда ҳам кўрамыз, бироқ мустақиллик уларни ҳақиқий реал ижтимоий воқеликка айлантирди.. Идеални ўзгартириш осон кечмайди, у асосан қалб, руҳ, онг ва бутун вужуд билан анланади. Қалбга, руҳга, онгга инсон вужудига сингган ғоягина идеалга айланади. Ижтимоий идеал сифатида жой олиши, ҳар бир шахснинг ҳаётий мақсади, орзу умидларига айланиши каби фалсафий-руҳий жараёнлар, изланишлар билан боғлиқдир. Маънавий юксалишга эришиш – халқ ва миллатдан асрлар давомида ижодий изланишлар, фаол ҳаракатни талаб қилади.

Ижтимоий идеал муайян миллат ёки элатнинг ўйи, орзу-истаклари, ўз-ўзини англаш босқичларига оид ғояларни акс эттиргани боис ҳам у ҳаётдир. Эзгу идеаллар мутлоқ ҳукмрон бўлган жамият, давлат ғояси азалдан кишилар ҳаёлини банд этиб келган бўлсада, у тўлалигича амалга ошмаган.

Миллий идеал бу қандайдир мавҳумликдан иборат эмаслиги ва унинг реал ҳаётий воқеа-ҳодисаларга тааллуқли эканлигига алоҳида урғу беради.

Идеалга инсонлар ишонадилар. Бироқ унга бўлган муносабатда чегарадан чиқишлик ёки меъёрга амал қилмаслик салбий оқибатларга олиб келади.

Миллий идеални жамият яратмайди, уларнинг ижодкорлари аҳлидонишлардир . Миллий идеални яратиш фақатгина шахсий мулоқотга асосланади, яъни уни яратилишида шахс маънавий-руҳий фаолиятининг аҳамияти катта.

Миллий идеал миллатнинг мавжудлик ҳуқуқи, маънавий-руҳий эволюцияси, муайян тарихий даврлар билан боғланган эзгу ғоялар мажмуасидир.

Миллий идеаллар ҳар бир миллат вакилининг ҳозирги кундан келажакка бўлган доимий интилиши, унинг келажакдаги ҳаётининг лойиҳалари, келажак учун мавжуд бўлиши билан чамбарчас боғлиқ. Шундан келиб чиқиб инсон ўз ҳаётини нимагадир бағишлаши керак, инсон ўз ҳаётини қандайдир умумий ишга йўналтирмаса у ўзининг нафақат моҳиятини, балки шаклини, мақсадини ҳам йўқотади шу сабабли инсон ҳаётда нимагадир интилади, ўзининг кичик ишларини буюк ишлар билан, қандайдир кенг ва чуқур идеали

билан боғлагиси келади. Янада аниқроқ қилиб айтганда азалдан ҳар бир инсонга ўз аждодлари яратган идеалга интилиш хосдир.

Миллий идеаллар қотиб қолган нарсалар, догмалар эмас, улар ҳаётнинг мураккаб синовларидан ворисийлик асосида авлоддан авлодга ўтиб келган. Миллий идеалларни бу миллат вакилларининг донишманд кишилари ўзгартириб, уни янги фазилатлар билан бойитиб, зарур бўлганида ундаги кемтикликларни бартараф этиб борган. Демак, миллий идеаллар ўлмас ва барҳаётдир. Миллий идеал ижтимоий моҳият касб этади. У умумийликдан хусусийликка ва яккаликка алмашилиб туради.

Миллий идеаллар жамиятдани мустақамлашга бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Бугун халқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечириётган, авваламбор ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти куриш йўлида буюк натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамокдамиз. Чуқур ўйлаб кўрсак, буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар туфайлидир. Чунки у - беқиёс имконият. Энг юксак миллий ижтимоий асосга эга бўлган идеалдир. Ислохотлар халқимиз ўзининг миллий-маънавий янгиланишида, айнан миллий идеалларга таянишга алоҳида эътибор берди.

Инсониятнинг кўпмингйиллик тажрибаси шундан далолат берадики, ҳар қайси миллат ёки халқнинг ижтимоий идеалнинг реаллашуви, мамлакат ғояси билан узвий боғлиқ. Миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истикболи ҳақидаги идеалларни ўзида мужассамлаштирган, унинг туб манфаатлари ва мақсадларининг реаллашувига олиб келадиган ҳамда таракқиётига хизмат қиладиган мазкур ғояни янада ривожлантириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Инсоният тарихининг кўп асрлик тажрибаси эзгу ғоялардан ва соғлом мафкурадан маҳрум бўлган бирон-бир жамиятнинг узоққа бора олмаслигини яққол кўрсатди.

Миллий идеаллар ёшлар қалби ва онгига синдириши таълим-тарбиянинг турли услуб, восита ва шакллари билан амалга оширилади. Улар орқали ёшларга тўғри яшашни, ватанпарвар ва бузғунчи ғояларга мурасимсиз бўлишни, эркин фикрлашни ўргатиш зарур. Ўргатиш бир томонлама жараён бўлмай, у устозлар намунаси орқали тарбияланувчининг фазилатларини шакллантиради. Бундай мураккаб ишни ташкил этишда ҳар бир ижтимоий тоифа ёки шахснинг индивидуал педагогик-психологик хусусиятларини инобатга олиш, тарбияланувчига шахс сифатида қарашни тақозо этади.

Миллий идеал мавжудлигида *миллий ғурур* ўзига хос ўринга эга. Миллий ғурур-кишиларнинг миллий ўз-ўзини англаши асосида шаклландиган, аждодлари қолдирган моддий, маънавий меросдан, ўз халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, ўзга миллатлар олдигаги кадр-қиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳисси ҳисобланади. Миллий ғурурни тушуниш ва тушунтиришда яна бир масалага жиддий эътибор қаратиш керак бўлади. Яъни, миллий ғурурни ифода этишда толерантликка ҳам амал қилиш лозим. Акс ҳолда у негатив аҳамият касб этиши мумкин. Шу маънода позитив асосга эга бўлган миллий ғурур ўзга миллатга мансуб кишиларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишни тақозо қилади. Бундай туйғуга эга маънавий етук киши миллийликни миллатчиликдан, ҳақиқий миллий ғурурни миллатпарастликдан фарқлай олади, бошқа миллат вакилларининг иззат нафси ва ғурурини камситмайди. Бундай кишиларда миллий ифтихорни юксалтириш идеали устувор бўлади. Бу идеал кишиларнинг ўз миллати ва давлатининг эришган ютуқларидан қувониш, уни янада бойитишга ва келажак авлодларга қолдиришга бўлган интилиши муҳим аҳамият касб этади.

Бунинг учун кишиларни айниқса ёш авлодни ўз миллатининг миллий қадриятларидан боҳабар бўлиши талаб қилинади. Халқимизнинг асрлар оша мерос бўлиб келадиган миллий қадриятлари узоқ ижтимоий-тарихий жараён билан боғлиқ. Улар она юртга эҳтиром, авлодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, ҳаё, андиша каби хусусиятларнинг устуворлиги, бошқа халқларникига ўхшамайдиган урф-одатлар, расм-русмлар, маросимлар ва анъаналар билан тавсифланади.

Миллий идеаллар жамият тараққиётининг маънавий ва ғоявий асосини ташкил этади. Улар миллатнинг тарихий тажрибаси, маданий мероси ва келажакка бўлган интилишларини ифодалайди. Замонавий Ўзбекистонда миллий идеаллар давлат тараққиёт стратегияларида ўзининг амалий аксини топмоқда. Айниқса, Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган янги тараққиёт стратегиялари жамиятни янгилаш ва барқарор ривожлантиришга қаратилган.

Тараққиёт стратегиясида миллий идеалларнинг акс этиши

Тараққиёт стратегияси миллий идеалларни амалга оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Унда жамият ривожининг устувор йўналишлари белгилаб берилади:

1. Давлат ва жамият бошқарувини такомиллаштириш

Демократик ислохотлар ва очиқлик сиёсати фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини оширади.

2. Қонун устуворлиги ва адолат

Адолатли суд тизими ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий идеалларнинг асосий кўринишидир.

3. Иқтисодий тараққиёт

Рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

4. Ижтимоий соҳани ривожлантириш

Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя тизимини яхшилаш инсонпарвар жамият қуришга қаратилган.

5. Маънавий-маърифий тараққиёт

Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш жамиятнинг келажакни белгилайди.

Тараққиёт стратегиясида таълим жамият тараққиётининг асосий омили ҳисобланади. Замонавий давлат тараққиётида таълим тизимини ислоҳ қилиш устувор вазифалардан бири бўлиб, у инсон капитални ривожлантиришга хизмат қилади. Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилган. Таълимни ривожлантириш миллий идеалларни асосий вазифасидан бири эди. Шу қаторида тиббиётни ривожлантириш, миллий қадриятларимизни сақлаб қолиш келажак авлодга етказиш асосий масалалардан ҳисобланади. Шу билан бирга миллий идеаллар тараққиёт стратегияси орқали амалиётга жорий этилиб, жамият барқарорлиги ва тараққиётини таъминлайди. Улар фуқароларда масъулият ҳиссини оширади, ижтимоий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайди ва инновацион ривожланишга туртки беради.

Миллий идеаллар ва тараққиёт стратегияси ўзаро узвий боғлиқ тушунчалардир. Стратегик ислохотлар миллий қадриятларга таянган ҳолда амалга оширилганда, жамиятнинг барқарор ва узоқ муддатли ривожланиши таъминланади. Шу боис миллий идеалларни англаш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш ҳар бир фуқаронинг муҳим вазифасидир. Шу ўринда яна бир масала: ҳар бир инсон тузадиган режаларнинг аксарият қисми одатда фарзандларига тааллуқли бўлади. Биз орзу-умидларимиз рўёби бўлган фарзандимизнинг ўсиб-улғайиши учун, наслинигина эмас, эзгу - орзуларни ҳам давом эттирадиган бўлиши учун жон куйдиришимиз зарур.

АДАБИЁТЛАР:

1. Саттарова, Д. Г. (2014). Социальный идеал и постколониальные исследования центральной азии для" понимающего контроля". *Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов*, (1), 106-108.
2. Mukhamedzhanovna, M. Z., Akmalovna, U. N., Abdusamatovich, K. S., Gapparovna, D., Arifovna, D., & Tashpulatovna, K. P. (2021). Bioethics-Paradigm of Humanization of Medical Education. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(1), 125-133.

3. Iswanto, A. H., Zainal, A. G., Murodov, A., El-Ebiary, Y. A. B., & Sattarova, D. G. (2022). Studying the role of Islamic religious beliefs on depression during COVID-19 in Malaysia. *HTS Teologiese Studies/Theological Studies*, 78(4).
4. Gapparovna, S. D., & Toshpulatovna, X. P. (2021). Improving the Quality of Medical Services in Improving the Gene Pool of the Population in Our Country. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(10), 138-141.
5. Саттарова, Д. Г. (2015). Стратегия компьютеризации и информатизации и проблема гуманизации образования. 116.

РЕЗЮМЕ:

Мақолада бугунги жамиятимиз тараққиёти умуминсоний ва миллий идеал уйғунлигини шакллантиришни ўрганилган. Бунда оила, маҳалла ва таълим-тарбия даргоҳларида, жамият муҳитидаги уйғунлик ва изчиллик катта ўрин тутиши таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ахлоқ, миллат, анъаналар, урф-одат, маънавий-ахлоқий онг, қадриятлар, эркинлик, ижтимоий онг.

РЕЗЮМЕ:

В статье рассматривается формирование гармонии универсальных и национальных идеалов в развитии современного общества. Анализируется важность гармонии и последовательности в семье, обществе, образовательных учреждениях и социальной среде.

Ключевые слова: мораль, нация, традиции, обычаи, духовно-нравственное сознание, ценности, свобода, общественное сознание.

RESUME:

The article examines the formation of the harmony of universal and national ideals in the development of our society today. It analyzes the importance of harmony and consistency in the family, community, educational institutions, and the social environment.

Keywords: morality, nation, traditions, customs, spiritual and moral consciousness, values, freedom, social consciousness.